

Хива хони Исфандиёрхон (1911 йил)

Кабристондан чавакланган кишининг жасади топилди. Унинг хашамдор кийимлари, орден, медал, тилла буюмлари Хива хонининг бош вазири Исломхўжа эканлигини кўрсатиб турарди. Ўша котиллик рўй берган 1913 йил 9 август куниёк Амударё бўлими бошлиги Туркистон генерал губернаторига 791 -сонли телеграмма юборди.
Унда, «вазири Акбар Исломхўжанинг фожиявий ўлими сарой ва халк ўртасида катта шов-шувга сабаб бўлди», дейилганди. Котиллик юз бергандан то шу кунларгача Исломхўжани ўз куёви, Хива хони Исфандиёрхон ўлдиртирган, деган тахмин катъий хулоса сифатида таъкидланиб келинмокда. Аммо, кейинги даврда топилган манбалар бош вазирнинг ўлими излари Хива хони саройига эмас, бошка бир хашаматли саройга бориб такалишини кўрсатмокда.

**Ислохотга мухтож ўлка вазири**

Исломхўжа Хоразмда энг нуфузли бўлган Саид Отойи хўжалардан Саид Мухаммадхўжа мутаваллининг набираси бўлиб, 1872 йилда тугилганди. Отаси Иброхимхўжа Ферузхоннинг тогаси бўлиб, Хонка хокими бўлган, кейинчалик бош вазир лавозимини эгаллаганди. Мактаб ва мадраса тахсилини олган Исломхўжа олдинига хон саройида закотчи сифатида ишлайди. 1889 йилда эса 17 ёшли Исломхўжани Феруз Хивадан кейин иккинчи ўринда турувчи Хазораспдек мухим стратегик, савдо шахрига хоким килиб юборади. Орадан вакт ўтиб, тажрибага эга бўлган Исломхўжа 26 ёшида Ферузхоннинг бош вазири сифатида яна Хивада иш бошлайди.
Феруз ўзи сингари тараккийпарвар ва маърифатпарвар Ис-ломхўжани бош вазир килиб

янглишмаганди. Гарчи, у хоннинг якин маслакдоши бўлсада, Чор Русияси мустамлакаси бўлган хонликда ўз ислохотларини Ферузхон вафотидан кейин амалга оширди. 1910 йилда Ферузхон вафот этгач, тахтга унинг ўгли Исфандиёрхон чикди. Исфандиёрхон бош вазир Исломхўжанинг куёви эди. Аввало, шуни айтиш керакки, Исломхўжа бош вазир бўлгани учун ўз куёвини тахтга ўтказмаган. Негаки, 1891 йил 4 сентябрда Ферузнинг Россия императорига Исфандиёрни валиахд этиб тайинлаш хакида йўллаган илтимоси, айнан хоннинг бошка ўгиллари колиб, уни хон килиб кўтаришга асос бўлганди.
Хуллас, Исломхўжа ўз куёви Исфандиёрхон билан мустамлака даврида ислохотлар ўтказишга киришди. У ёш хоннинг отаси сингари салтанатни одилона бошкаришига ишонарди, негаки, куёви отаси каби шоир, соатсоз ва киличбоз уста, эл кезган савдогар, рус-тузем мактабида яхши ўкиган зиёли эди. Жугрофияни яхши билгани, кўплаб илмий семинарларда яхши катнашгани учун Исфандиёрхон Руссия жугрофия жамиятининг аъзоси этиб сайланганди.
Унинг айнан 1910 йил рамазон ойининг биринчи кунида чикарган фармонида, «бозорлар тартибга солинсин, кўприклар курилсин, йўллар обод килинсин, вакф ерлар кайта хисоблансин, фукароларимизнинг бундан кейинги осойишта ва фаровон турмуш кечириши билан боглик масалалар ўрганилиб, тез фурсатда хал килинсин. Биз томонимиздан амалга оширилиши лозим бўлган бу ишларга хеч ким тўскинлик килмаслиги шарт. Ушбу ишларни амалга оширишни хурматлик Исломхўжа Иброхимхўжа ўглига топширдик», дейилади.
Исфандиёрхон фармони кучга кириб, соликлар бирмунча камайтирилган, ободончилик ишлари олиб борилган.
Бош вазир шунингдек, хонга куйидаги учта йўналишда ислохот ўтказишни тавсия килади:
1. Хазинадаги даромаднинг бир кисмини мамлакатнинг умум фойдали ишларига — ер тузиш, йўл курилиши, почта алокаси, тиббий ва агрономия хизматига харжлаш;
2. Махбусларни ўрта аср услубида жазолашни бекор килиш;
3. Хонликка карашли ерларни турли тоифадаги одамларга таксимлаш, таркатиш, уларни ер солигидан озод килиш, ирригация ишларига эътиборни кучайтириш хамда натурал мажбурият-ларни бекор килиниши керак» (ЎЗМАРДАВАРХИВ, ф 1, оп 17, д 231, 133-134-бетлар).
Ўша йилнинг ўзида Исломхўжа хонликда амалга ошириш зарур бўлган ислохот режасини ишлаб чикади. Ислохот дастури 10 банддан иборат бўлиб, ўша вакт учун тараккийпарварлик мезонларига асосланганди. Исфандиёрхон дастурни кўздан кечириб, 10 бандни хам тасдиклайди:
1. Хонликдаги барча мансабдор шахслар давлат томонидан маош билан таъминланадилар. Олдинги коида бўйича, соликлардан тушган даромаднинг бир кисмини маош тарикасида харажат килиш бекор килинсин.
2. Дехконлардан олинадиган ер солиги, казув пули, йилига бегор казувда давлат хисобига 12 кун текин ишлаб бериш бекор килинади. Солик тўловчиларнинг тоифаси катъий белгилаб кўйилади.
3. Закот, бож ва хирож соликлари кайта кўриб чикилади, савдо-сотик соликлари мувофиклаштирилади.
4. Сувдан фойдаланиш тартибга солинади. Сувдан фойдаланиш мироблар ёрдамида хукумат назорати остига олинади.
5. Бозор тўловлари тартибга солинади.
6. Йўл курилиши ва ариклардаги кўприкларни яхшилашга киришилади.

7. Барча шахар ва ноибликларда беморларни даволаш учун замонавий касалхоналар курилади, ахолига тиббий хизмат кўрсатиш яхшиланади.
8. Барча турдаги вакф ерлар кайта хисоб-китоб килинади ва улардан тушган даромадлар маданият ва маорифни ривожлантиришга сарфланади.
9. Барча мактабларда ўкитиш дастурига, шунингдек, янги усул мактабларида рус тили, жугрофия, тарих дарслик сифатида киритилади.
10. Хон хазинасида хисоб-китоб каттик назорат килиниб, алохида кирим-чиким дафтарлари юритилади.

Ушбу ислохотларнинг ўтказилиши хонликда каттик тартиб-интизом ўрнатиш, давлат мулкини талон-тарож килмаслик, солик тўловчиларнинг уни ўзлаштириши, олдинлари солик туфайли келиб чикадиган исёнларнинг олдини олишга сабаб бўларди. Шу каби ислохотлар Хоразмга жадидлар орзу килган тараккий этган давлатларнинг илму-фан техника ютукларини олиб киришга хизмат киларди.

Ислохот хон томонидан тасдиклангач, хаётга жорий килина бошланди. Олдинлари солик ундирувчиларинииг халкдан йигиб олган соликнинг маълум бир фоизини ўзига олиб колиши каби талон-тарожликка чек кўйилди. Солик тўлашнинг каттик назорат остига олиниши, туркман ва коракалпокларнинг доимий равишда бўлиб турадиган исёнларининг олдини олди. Давлат ер эгалиги, мулк ер эгалиги, вакф ер эгалигиниг аник хисоб-китобини килишга киришилди. Россиядан курувчи- мухандислар олиб келиниб, бу ишга жалб килинди. Улар билан биргаликда хонликдаги каналларга темир кўприк ўрнатиш лойихаси тузилди, мавжуд барча майдонларни ўлчаб чикишга киришилди. Хива шахрининг янги лойихаси тузилиб, унга кўра шахар энига уч баробар кенгайиши керак эди. 1910-1913 йиллар: оралигида Хиванинг ўзида ислохот дастурига кўра почта-телеграф биноси, Нуриллабойда кишки сарой, замонавий касалхона, жадид мактаби барпо этилади.

Бош вазир Россияга килган сафарларида, Москва шахри губернатори Н.И.Гучков билан учрашиб, унинг ёрдамида бир катор курилиш лойихаларини ишлатиб олган, шу тарзда, почта, телеграф, шифохонанинг лойихаларини Исломхўжа ўзи москвалик меъморларга чиздириб келган, шу бўйича барпо эттирганди.

Шунингдек, 1910-1913 йиллар оралигида Исломхўжанинг ташаббуси ва маблаги хисобига Хивадан ташкари Янги Урганч, Шовот, Гурлан, Кўнгирот, КўшкўпирваМўйнок шахарларидаям жадид мактаблари ташкил этилади.

Хивадаги мактаб эса тамомила замонавий кўринишда бунёд этилганди. 1913 йилда пишик гиштдан Европа услубида курилган икки каватли бино рус-тузем мактаби деб аталарди. Янги Урганчда эса Исломхўжа ўгил ва киз болалар учун алохида жадид мактаблари очиб, уларга 60 дан ортик ўгил-кизлар кабул этилади.

Барпо этилган ана шу мактабларда ўкувчиларга таълим бериш учун Оренбург, Козон,Тошкент, Астрахан сингари шахарлардан муаллимлари таклиф килинади.Бу борадаги вазиятни ўрганган Амударё бўлими бошлиги Туркистон генерал-губернаторига йўллаган маълумотида, «Хива хонлигидаги жадид мактаблари муаллимларининг карийиб ярмини татарлар ташкил этади. Улар хонликда ўкитувчилик фаолияти билан бир каторда сиёсий ташвикот ишларини хам олиб бормокдалар», деб ёзганди. («Туркестанские курьер», 1913 йил 21 август).

Рус-тузем ва жадид мактабларида эски мактабдан фаркли равишда парта, доска каби жихозлар бўлиб, рус тили, чизмачилик, тарих, жугрофия, математика, адабиёт ва бошка фанлар ўкитиларди.

Ушбу мактабларда Агаев, Абдурашидов, Х.Кўшаев, Ф.Кўшаева, К.Батиров, А.Сазонов, С.Сўфижонов, Ю.Ахмедов каби ўз даврининг илгор педагоглари ишлашган.
Улар кўлида яхши таълим олган ёшлар Исломхўжанинг кўллаб кувватлаши билан Оренбург, Тошкент, Петербург шахарларига, хаттоки Бекчон Рахмонов Туркияга, Мухаммад Аминаддинов эса Францияга ўкишга юборилади.
Исломхўжанинг ўзи хам шу замоннинг энг олд зиёлиси бўлиб, 1908 йили Хивага келган рус шаркшуноси А.Н.Самойлович ёзганидек: «Бош вазир Исломхўжа рус тилини яхши билади, рус ва мусулмон тилларида нашр килинган газеталарни олиб, уларни мутолаа килиб боради».
1909 йилнинг сентябр - октябр ойларида Хивада бўлган Россия ташки ишлар вазирлигининг вакили Минорский хам ўз хисоботида, «Исломхўжа рус тилида бемалол сўзлашади. У мусулмон мамлакатларида чикадиган адабиётларни синчковлик билан кузатиб боради», дейилади.
Дархакикат, Исломхўжа «Таракkий», « Нажот», «Туркестанкий курьер», «Туркеста нска я всдомости». «Туркистон вилоятйнинг газети» (Тошкент), «Вакт» (Оренбург), «Таржимон», «Маълумот», (Крим), «Иктисод ва тараккиёт». «Ихдам» (Туркия), «Хабл ул-Матин» (Хиндистон) каби нашрларни ўкиб борар, уларни жадид мактабларида хам ўкитишни муаллимларга тавсия этарди.
Хаттоки, Ўрта Осиёга биринчй бўлиб, фото ва кинонинг кириб келиши, бу борада шу соханинг кашшофи бўлган Худойберган Девоновни кўллаб кувватлаган Исломхўжа эди. У Девоновни ўзи билан 1907 йили Петербурга олиб кетади ва «Патэ» русумли киноаппаратини Хоразмга олиб келишга ёрдам беради.
Бундан ташкари, «Исломхўжанинг ислохот дастурида Хоразмни марказий шахарлар билан боглайдиган темир йўл курилиши-га алохида ахамият берилганди. Ислохотчининг лойихасига кўра, 1912-1913 йиллари хонлик худудига темир йўл келтириш бнлан алокадор тадкикот ишлари ўтказилади. Унга кўра, темир йўл тармоги Чоржўйдан хонликнинг шимолидаги Кўнгирот шахригача тортилиши ва кейинчалик у давом килиниб Ўрол-Тўргай губернияси оркали Александров-Гай бйлан вогланиши керак эди.
Темир йўлнинг узунлиги 700 верстга етади. Унинг курилишини рус саноатчиларидан А.О.Брикельмейкер ва К.Е.Николаевлар шерикликда ўз зиммасига олган эдилар» («Туркестанские курьер» 1913 йил 14апрель).
Шунингдек, 1910-1912 йилларда бош вазирнинг топширигига кўра, тажрибали мироблардан иборат комиссия ташкил этилиб, хошгакдаги барча канал ва ички арикларни назоратдан ўтказишади. Комиссия лойкалардан тозаланадиган, таъмирланадиган ва янгидан чикариладиган арикларнинг аник режасини ишлаб чикади ва Полвон, Газовот, Килич Ниёзбой, Шовот каналларига мустахкам темир кўприклар куришнинг лойихасини чизишади. Ички оралик йўллар хамда ички арик-ёпларга куриладиган иншоотлар ва кўприклар махаллий хоким ва оксоколлар зиммасига юкланади.
1911 йилнинг бахор ва кузида Хоразмдаги барча канал хамда дарё киргогидаги ихота дамбаларда тупрок ишлари, тозалаш ва таъмирлаш ўтказилади, тўгонлар ва кўприклар куришга киришилади.
1911 йили Россиядан Полвон, Газовот, Килич Ниёзбой ва Шовот каналларига куриш учун 4 та кўприкка етадиган темир конструкциялар олиб келинади. Ушбу темир кўприклардан иккитаси Полвонёп ва Газовот каналларига курилган.
Шу тарзда ислохот дастурининг бажарилиши аста-секин бўлса-да, амалга оша бошлайди.

Ислохотлар хаттоки, Оренбургдаги жадидларнинг «Вакт», Туркиядаги «Ёш туркларнинг» - «Танин» газеталарида эътироф этилиб, тараккийпарварлик намунаси сифатида кўрсатил ади.
«Туркестанские курьер» газетаси бўлса 1911 йил 17 апрел сонида Хоразмда амалга оширилаётган ислохотларни энг замонавий реформалар дея бахолаб, Исломхўжани буюк реформатор дея атаганди.
Ана шу газетанинг 1913 йил августидаги сонида Исломхўжа мухбирга интервью бериб: «Эндиликда хонлик бутун кучини мамлакат ички тараккиётига каратмоги лозим. Биринчи навбатда маърифатга, сўнгра савдо-саноатга. Хивани Осиёнинг колок давлатлари каторидан чикариш вакти келди. Халк эркин нафас олмоги керак», деганди.
Бирок, Исломхўжанинг фожиали ўлими ана шу нслохотларнмнг тўхтаб колишига сабаб бўлди.

**Фожиали кун**

Исломхўжа бош вазир сифатида тансокчига эга эди. Тансокчиси Бобожон катагон файтун отда юрганича доимо Исломхў-жага хамрохлик киларди.Бирок ўша куни — 1913 йил 9 августда у хон саройи Нуриллабойдан уйига тансокчисиз кайтади.»Чунки, Абдукарим махрам Исломхўжа уйига кетмокчи бўлганида, тансокчисини ифторликка сўраб олиб колади. Кандайдир бахона билан извошчи хам ўша фожиали куни ўзгартирилганди. Бош вазир кечкурун соат 9 ларда фойтун аравада Рофаник боги кун чикар томонидан «Ўглон азиз бобо» кабристони якинидан ўтиб борарди. Извошчининг кейинчалик эслашига кўра, мозористондан икки киши отилиб чикиб, уларга хужум килишади. Дастлаб улар кўзга ташланиб колмаслик учун фойтундаги фонус-чирокларни ўчиришади. Исломхўжа ёнидаги тўппончасини олишгаям улгурмай колади. Никоб кийган котиллар кўлларидаги чўкмор таёк билан отнинг манглайига уриб, унга хам шикаст етказишади. Извошчи якин атрофда хужум килган икки кишидан бошка яна ўнтача киши турганлигини эслайди.Тўсатдан юз берган дахшатдан ва танасига урилган килич зарбидан извошчи хушидан кетади» (Абдулла Болтаев, «Исломхўжанинг фожиали ўлими хакида», кўлёзма).
Суикасдчилар бош вазир Исломхўжани чаваклаб кетишганди. Котиллар тезда кўздан гойиб бўлишди. Миршаблар келиб кўришсаки, котиллик вахшийларча амалга оширилиб, Исломхўжанинг бўгзига тортилган кескир тиг зарбидан унинг боши танасидан деярли ажралиб, боши бўйин терисига зўрга илиниб колган эди; танасини кўзгатиш билан у хам узилиб кетади. Бош вазирнинг ёнидан 750 рубллик кредит билети, 10 рубллик 3 та тил-ласи ва бошка майда пуллари, бахоси 10 минг рубл турадиган бриллиант кадалган тилла портсигари, бахоси 2500 рубллик кахрабодан килинган бриллиант кўзли мунштуги ва бахоси 900 рубллик тилла соати топилади.
Котиллар кимматбахо буюм ва пулларга тегмасдан факатгина бош вазирнинг олий навли барра терисидан тикилган чўгирмасини олиб кетгандилар. Бу ирим учун килинган бўлиб, ўша вакт хиваликларда агар катл килинган кишининг чўгирмасидан бир парча куйдирилса, жиноятчининг ўзи келиб котиллигини тан олади, деган ирим мавжуд бўлган.

Табиийки, пул ва кимматбахо буюмларга тегилмагани, котилликни ўгирлик учун килинган деган фаразни ўз-ўзидан йўкка чикарарди. Бош вазирнинг сирли равишда ўлдирилиши сиёсий максадларни кўзлаб амалга оширилган фитна эканлиги ўша пайтдаёк аён бўлганди.

**Котил�� кўлга олинди... бирок**

Котиллик рўй берган 9 август куни бош вазирни уйига хоннинг таржимони Корнилов кузатиб бориши керак эди. Аммо негадир у ўша куни кандайдир хужжатни ахтариб, саройда ушланиб колади. Корнилов девонхона бошлиги Абдуллажон билан бирга маълум бир вактдан кейингина саройдан йўлга чикиб, Исломхўжа изидан боришади. «Ўглон азиз бобо» кабристонига етганларида эса бош вазирнинг конга беланиб ётганлиги устидан чикадилар. Корнилов шу ерда колиб, девонхона бошлиги Абдуллажон вокеа хакида хабар бериш учун хон саройига кетади..
Фожианинг эртасига ўзига келган ягона гувох — извошчи Шайхназарбой ясовулбошининг хизматчиларидан учтасини котиллик содир килинган жойда кўрганлигини айтади. Улар дархол хибсга олинадилар. Терговда Исломхўжани Шайхназарбой ясовулбошининг навкарлари, тошховузлик Курбонбой бўзчи бўгизлагани аникланиб, эртаси куни хибсга олингач, у айбини тан олади. Унга бу махфий буйрукни Абдурахим махрам берганлиги, бош вазирни ўлдириш Матвафо Бакколов, Ашур ва Рўзмат махрамлар томонидан пинхоний кенгашда режалаштиргани маълум бўлади. Гарчи, котил ва буюртмачилар аник бўлсада, факатгина Исломхўжани ўлдирган Курбонбой хибсда сакланиб, колганлар кўйиб юборилади.
Халк ўртасида котил Курбонбойни жазолаш Кўхна Аркда ўтказилади. Кўхна арк олдига кўп оломон тўпланди. Курбонбой бўзчини зиндондан кўлларини боглаб майдонга олиб чикишади. Ясовулбоши Курбонбойга карата: «Хўжамизнинг ўлган вокеасини айтиб бер, танингга таёк тегмасдан бурун айт», дейди. Бўзчи ясовулбошига караб: «Ога, ман бу вокеани хеч билмайман», дея жавоб килади. Шунда ясовулбоши: «Агар айтмасанг урамиз, ўзингдан кўр», деб миршабларга уришни буюради. Миршаблар котилнинг ялангоч елкасига бор куч-куввати билан камчи туширадиларки, огир зарбадан ялангоч бадандан кон сачраб чикади.
Яна шундай зарбалардан сўнг, котил: «Агар мани шундай азоблаб ўлдирмокчи бўлсангиз, ман ишни бузаман», деб бакириб юборади. Курбонбой бўзчининг бу кичкиригидан сўнг, Абдукарим махрам, Матвафо карвонбошилар, унга ичи ачинган бўлиб, аслида эса сир очилиб колишидан кўркган холда котилни аркка олиб кетишади ва алохида хонада саклашади.
Котилга ўлим жазоси берилмагани ва котиллик ташкилотчилари Абдукарим махрам Ясовулбоши, Матвафо Бакколов бош вазир, Ашур махрам бош махрам лавозимини эгаллаши, халк орасида миш-мишни келтириб чикаради. Яъни, бу холат Исломхўжанинг ўлимида ўз куёви Исфандиёрхоннинг кўли бўлиши керак, деган шов-шувга сабаб бўлади.

## Хоннинг котилликка алокаси бормиди

Исломхўжанинг ўлимида Исфандиёрхоннинг кўли борлиги хакида хонлик тарихига доир баъзи китоб ва маколаларда хам айтиб ўтилади. Жумладан, Д.Рахим ва Ш.Матрасул Феруз хакидаги «Шох ва шоир кисмати» номли китобида «Исфандиёрхон Исломхўжани хазинадаги пулларни бехуда курилиш ишларига сарфлади ва рус императори билан келишган холда мени бир кунмас-бир кун тахтдан четлатади, деб ўйлаган» (Т, 1991 йил 55-бет) дея ёзишади.
Мархум профессор О.Собиров хам 1993 йил «Хива» журналининг 2-3-сонидаги маколасида «Исломхўжанинг юксалиб бораётган обрўси Исфандиёрхонни ташвишлантириб кўйди», деб кайд этганди. Шунингдек, Р..Хасан, А.Абдурасулов ва Н.Эгамбердиеваларнинг 1994 йил «Ватан» газетасининг 32-сонидаги, Отамурод Кўшжоновнинг «Маърифат ёгдуси» журналининг 2001 йил 1-4-сонларидаги маколаларида хам айнан хазинани Исломхўжа курилиш ишларига сарфлаб бўшатгани, Исломхўжанинг халк ўртасида обрўси ошгани, Петербургда император ва амалдорлар билан яхши танишлиги боис, хон ўз тахти кўлдан кетишидан хавфсираб бош вазирни йўк килгани таъкидланади.
Шунингдек, ўша даврда яшаган «Ёш хиваликлар»нинг йўлбошчиларидан Полвонниёз хожи Юсуповнинг хамда наккош, тарихчи Абдулла Болтаевнинг кўлёзма асаридаям Исфандиёрхон ўз кайнотаси Исломхўжани ўлдиртиргани кайта-кайта таъкидлаб ўтилади. Полёзхожи Исфандиёрхонга мухолиф бўлгани учун, у хакда салбий фикрда бўлган. Абдулла Болтаев эса ўша пайтлари ёш бола эдики, унинг кўрган, эшитганлари мургак калбда Исфандиёрхон золим хон бўлган деган халкнинг фикридан келиб чиккан. Дархакикат, Исфандиёрхоннинг маишатпарастлиги, айнан 1916 йилда «киз солиги» туфайли халк кўзголони келиб чиккани тарихдан маълум. Шу каби унинг атрофини, лаганбардор, манфаатпараст, фитначи каззоблар ўраб олганиям хакикат. Аммо бу бошка масала. Кайнотасининг ўлими эса умуман бошка.
Аввало, шуни айтиш керакки, Исфандиёрхоннинг, - бош вазир мени тахтдан туширади, - дея ўйлаши учун хеч кандай асос йўк эди. Зеро, у отаси Ферузнинг 1891 йил 4 сентябрда императорга килган илтимосидан сўнг валиахд килиб тайинланган, 1910 йил августда отаси ўлимидан сўнг тахтга чикканди. Колаверса, ўша даврда Хоразмда хам тожу тахт ворислиги авлоддан-авлод-га ўтган. Гарчи Исломхўжа сайидлардан бўлса-да, ўзини хон деб эълон килолмасди. Негаки, валиахд император томонидан тасдикланганди. Империя конунларини бузиш эса, у ким бўлишидан катъи назар, ўлим билан баробар эди.
Чор хукумати империя конунларига ёт бўлган бундай харакатни аёвсиз бостириши аник эди. Буни халк хам, Исломхўжа хам яхши биларди. Зотан, Хива хонлиги чоризмнинг вассали эди. Колаверса, бош вазирнинг ислохот дастурини хоннинг ўзи тасдиклаган, хаётда кўлланилаётгантаракkийпарварликни Исфандиёрнинг ўзи кўллаб турган.
Хон чор хукумати ва халк ўртасида Исломхўжанинг обрўси ошди, дея ўз кайнотасига гараз кўзи билан караши мумкин эмасди. Шу боис бош вазир ўлимида унйнг кўли борлиги шубхалидир.
Хазинани бехуда курилишларга сарфлаб бўшатди, деган даъво хам асоссиз. Зеро,

Хивада бунёд бўлган почта-телеграф биноси, мактаб, сарой, шифохона ва бошка иншоотлар хоннинг ўзи тасдиклаган ислохот дастурига кўра хазинадаги пуллар хисобига курилганди.

## Кўгирчок хон ва фитначи амалдорлар

Лаффасий ва Баёний каби муррихларнинг ёзишига кўра, Исфандиёр ёшлигидан ювош табиатли, гоят иктидорли киши бўлиб, «Фаррух» тахаллуси билан шеърлар битган. Касб-хунарга кизикканидан соатсоз ва килич ясовчи уста сифатидаям машхур бўлган. Тижоратчи сифатида Россия ва Шарк давлатларини хам кезиб чиккан эди. Хатто рус тили, дунё жугрофиясини мукаммал билгани боис, олдинги сахифаларда таъкидлаганимиздек, Россия жугрофия жамиятининг аъзоси хам эди.
Аввало, шуни эсдан чикармаслик керакки, Исфандиёрхон Исломхўжанинг ислохот дастурини кўллаб турса-да, у Чор империясининг вассали эди. Колаверса, хон саройида Исломхўжага мухолифатда бўлган фитнакор амалдорлар гурухи хам мавжуд бўлган. Шундай гурухлардан бири ога-ини подполковник Хусайинбек, ясовулбоши Шайхназарбой ва Омонгелди Матмуродовлар эди. Хар бир ога-ини хонликда хисобсиз ер, каттагина молу-мулкка эга эдилар. Мабодо Исломхўжанинг ерларни ўлчаш, соликларни тартибга солиш, давлат амалдорларига маош тўлашдек ислохотлари тўла амалга ошса, улар кўп нарсадан ажралиб колардилар. Шу боис, ога-ини Матмуродовлар имкони борича Исломхўжанинг шахсияти ва ислохотини бадном этишга харакат килишган.
Исфандиёрхон ювош ва кўнгилчан бўлганлиги боис чор империяси билан уруш даврида кахрамонлик кўрсатиб халк ўртасида катта шухрат козонган Матмурод девонбегининг ўгилларини саройдан тўла четлаштиролмасди.
Тўгри, у дастлаб 1911 йилда Исломхўжани кувватлаб, Матмуродовларнинг мол-мулкини мусодара килади ва уларни саройдан четлаштиради. Аммо ога-ини Матмуродовлар чор амалдорлари билан яхши алока ўрнатгани боис, 1913 йилда рус маъмурлари таъсирида яна саройга ишга тикланиб, мол-мулкини кайтариб олишади. Бирок, шундан кейин хам ога-ини Матмуродовлар рус маъмурларига Исломхўжани игво килишда давом этишади. Жумладан, Хусайинбек 1913 йил январида Амударё бўлими бошлиги Ликошин хузурида бўлиб, унга берган ахборотида ўзининг 1911 йил хон газабига учраб, огир кулфатларга дучор бўлиши ва 1913 йил январида ёвмудларнинг чоризмга карши кўтарган исёни сабабчиси Исломхўжа эканлигини таъкидлайди. Шунингдек, у мусодара килинган, киймати бир миллион рублдан ортик бўлган мол-мулкининг атиги 150 минг рублини кайтариб берилганиниям айтиб, унинг колган кисмини Исломхўжа ўзлаштирган, дея даъво килади. Колаверса, ога-ини Матмуродовлар Исломхўжанинг ислохотларидан норози бўлиб, бу хакда хонга ариза хам ёзгандилар.
Чор хукумати, айникса, Амударё бўлими хонга таъсир ўтказиб, Хиванинг ички ишларига мунтазам аралашиб келар, зеро, улар учун Исфандиёрхон кўгирчок хукмдор эди. Матвафо, Абдурахмон ва Шариф Бакколовлар Исломхўжага мухолифатда бўлган иккинчи гурух вакиллари эди. Тога-жиян Бакколовлар хам кўплаб ер, мол-мулк сохиби бўлиб, улар хам ўтказилаётган ер, солик ислохоти боис анчагина мол-мулкидан ажралиб

колишдан кўркар, шунинг учун бош вазирга нисбатан доимо адоватда бўлиб келишар эди. 1899 йилдан хон саройида таржимонлик килган В.Н.Корнилов у хакда: «Матвафо нихоятда юлгич бўлиб, огир соликлар билан хиваликларга зулмини ўтказди. Хиваликлар уни жуда ёмон кўришади. У туркманларга яширинча игво килиб, уларни талончиликка гиж-гижларди. Матвафо жудаям уддабурон бўлиб, хар кандай йўллар билан бўлса хам хон саройида биринчи лавозимни эгаллаш учун харакат килди», деб ёзганди.
Бундан ташкари, Амударё бўлимининг бошлиги Ликошин Туркистон генерал-губернаторига ёзган ахборотида,« Хонликда барча ишлар Бакколов ва унинг ога-иниларининг савдо тижорат манфаатлари юзасидан олиб борилмокда.Жамики давлат тадбирлари ушбу савдогарларнинг шахсий бойлигини ошириш-га карата хал этилмокда» (ЎЗМАРДАВАРХИВ, ф.и 2, оп 2, д 476, 53 бет).
Н.С.Ликошин, шунингдек, Исломхўжа вафотидан сўнг, 1913 йил декабрида генерал-губернаторга ёзган ахборотида шундай деган: «Мархум Исломхўжа савдогар эмасди. Шунинг учун у савдогарларга бошкачарок карарди.Савдо ишларидан холилиги туфайли, хонликдаги ислохотларни хатто ўзининг шахсий манфаатидан устун кўярди. Хонликнинг хозирги мулкдор амалдорлари бўлса, ўзларининг савдо тижорат даромадини ошириш билан машгул бўлмокдалар» (юкоридаги архив, ф,и 2, оп 1, д 475, 54-бет).
Хаттоки, хонликдаги энг айёр ва бой савдогар Матвафонинг иниси Абдурахмонбой Янги Урганч хокими килиб тайинланиб, Матвафо сафарга кетганида бош вазирлик лавозимини хам эгаллаб турадиган даражага етади.
Исломхўжа 1911 йилда Янги Урганч, Хазорасп, Питнак, Монок ва Даргонотадаги ерларни хон тасдиклаган ислохот дастурига кўра кайтадан ўлчатиб чикканди. Шунда ушбу бекликларда ога-ини Матмуродовлар хамда тога-жиян Бакколовларнинг бехисоб ерлари борлиги, улар давлат хисобига киритилмай, хонлик хазинасига солик тўламаётганлари аникланганди. Шу боис ога-ини Матмуродовлар хамда тога-жиян Бакколовлар саройдан четлатилиб, аникланган хуфия мол -мулки хон фармонига кўра мусодара килинади. Ўшанда хар иккала гурух чоризмнинг Амударё бўлими бошлигига шикоят килиб, Исломхўжа фаолиятига чек кўйишда кўмак сўраган эдилар.
Исломхўжа эса ислохотлари ва унга тўганок бўлаётган амалдорлар хакида 1911 йилнинг 3 декабрида, полковник Гулушановскийга шундай мактуб йўллаб, вазиятни тушунтириб ўтганди: «Биз амалга огираётган ислохотлар хон атрофидаги амалдорлар манфаатига, албатта маъкул тушмади. Улар аввалги хон даврида хам катта ерларни эгаллаб, бехисоб фойда олиб келганлар. Шу боисдан норози бўлган амалдорлар томонидан бир канча махфий мажлислар ўтказилиб, унда халкни ислохотларга карши кўзгатишга карор килинган.Мазкур амалдорлар халк номидан норозилик мактублари уюштириб, уларни ўз мухрлари билан тасдиклаб, ислохотдан норози эканликларини билдирмокдалар. Мактубларда хатто хакоратли бўхтонлар хам шилатилмокда» (ЎЗМАРДАВАРХИВ, ф 2, оп 1, д 289, 207-бет).
Айнан 1911 йилдаги вокеалардан сўнг хар иккала гурух рус маъмурлари билан якинлашиб, Исломхўжага нисбатан очикчасига душманлик йўлига ўтдилар. Зеро, халк ўртасида Исфандиёрхоннинг эмас, балки ога-ини Матмуродовлар ва тога-жиян Бакколовларнинг обрўси тагин-да тушиб кетди. Негаки, улар соликлар бахона халкни беаёв талаш, бехисоб ерга эгалик килиб, хазинага сарик чакаям тўламаслик эвазига бойирдилар.Исломхўжа эса 1911 йилда уларнинг кирдикорини чеклаб, янада обрў орттиради. У фитнакор амалдорлар молу мулкини Исфандиёрхон розилиги билан

тортиб олганди. Шу боис хар иккала гурух Исфандиёрхоннинг ишратга ўчлигидан фойдаланиб, Исломхўжа билан унинг орасини бузишга интилди. Негаки, хоннинг катта хотини Азизапошшабика Исломхўжанинг кизи эди. Фитнакор амалдорлар ишратга ўч хонга турли бекликлардан ёш ва чиройли кизларни келтириб берардилар. Хатто, Бакколов ва Ашур махрам ташаббуси билан Нуриллабой саройининг орка томонида 70 минг тилла сарфлаб, маишатбозлик учуи мўлжалланган махсус кўшк хам курилади.Табийки, бу ишлар кайнотаси бўлмиш Исломхўжага маъкул келмас, у куёви Исфандиёрга бу ахлоксизликни йигиштириш хакида бир неча бор насихат килганди.
Чор маъмурлари эса хар иккала гурухбозларни кўллаб, Исломхўжа фаолиятини кузатув остига олгандилар. Негаки, у чор хукумати учун гоявий душман бўлган жадидларни кўллаётган, Хоразмда мактаблар барпо килаётган, хатто «ёш хиваликлар» харакатини кўллаб кувватлаётган, чоризмга карши тинимсиз исён кўтараётган туркман ёвмудлари билан якин алокада эди. Хатто, у 1913 йил бошида туркманларга карши юриш килиш ташаббусига карши чикканди. Ёвмудлар исёни умумхалк кўзголонига айланиб, чоризмнинг мустамлакачилигига чек кўйиши мумкинлигини чор хукумати яхши билар, шу боис Исломхўжа нафакат гурухбозларнинг, балки мустамлакачи чор хукуматинингда душманига айланганди.

**Котилликда чор хукуматининг   кўли борми?**

Исломхўжа 1896-1913 йилларда беш маротаба Россиянинг Петербург ва бошка шахарларига борган. Император Николай II Романов билан хам кўп бор мулокотда бўлган ва у билан рус тилида бемалол дунё сиёсати хакида сухбатлашганди.
Шу сухбатлардан кейин Исломхўжа окпошшани гоят кизиктириб кўйганди.Айникса, унинг хонликда амалга ошираётган ишларидан бохабар бўлган император,Петербургда кимлар Исломхўжа билан учрашишигача жандармериядан суриштиради. Колаверса, Амударё бўлими ва жандармерия Исломхўжанинг чор хукумати душманлари бўлмиш жадидлар ва исёнкор ёвмудлар билан алокаси яхшилигини хабардор килганлиги табиий.
Негаки, 1913 йил 4 январда Туркистон генерал-губернатори харбий министр Сухамлиновга махфий хат йўллаб: «Хонликда 1910 йилгача хукм сурган осойишталикни саклаб туриш, халк галаёнларининг олдини олиш учун Исломхўжа фаолиятини жиловлаш чора-тадбирларини кўриш лозимга ўхшайди», деганди (Россия Марказий Давлат Архиви, 400-фонд, 62-дело, 155-сахифа).
Шу билан бирга, генерал Самсонов Петербургга йўллаган махфий хатида Исломхўжани чет элга жўнатиш, сургун килиш хакида буйрук бериш лозимлигиниям айтиб ўтганди. Аммо ташки ишлар министрлиги бу таклифни маъкулламаган.
«Россия Марказий Давлат Архивининг 400-фонд, 178-дело, 50-54-сахифаларидаги манбага кўра, Исломхўжа Петербургдаги «Мусулмонлар хайрия жамгармаси»га бориб, у ерда Эрон ва Туркия элчилари Тархон пошшо, Исхокхонлар билан учрашган. Кечкурун Маринин театрида уларни мехмон килиб, сухбатлашган. Табиийки, мусулмон мамлакатлари элчилари билан Хива хони бош вазирининг тил топишгани чор хукуматига ёкмасди.

Етилиб келаётган жахон уруши арафасида чор хукуматига ракиб бўлган Туркия хукумати элчиси билан мустамлака хонлик бош вазирининг сухбатлашиши, чор хукумати учун, айник-са, чидаб бўлмас хол эди.
Исломхўжа дунё сиёсатидан бохабар бўлиб, Туркия-Эрон, Эрон-Италия, Туркия-Германия, Россия-Туркия иктисодий ва харбий муносабатлари мохиятини тўла англаб етган, мустамлакачиликнинг хам паймонаси тўлаётганини сезиб турарди. Бу эса чор хукумати учун кўркннчли бир хол эди. Шу боис чор жандармерияси Петербургда бўлган Исломхўжанинг хар бир кадамини кузатиб, ким билан нима хакида сухбатлашганигача шахсан император Николай Романовга ахборот бериб борган. Исломхўжа Хивага кайтгач хам кузатув остида бўлганди. Негаки, Петербургда босган кадамини кўздан кочирмаган Николай II унинг Хивада нималар килаётганини хам билишни истарди.
Амударё бўлими бошлиги генерал-губернаторликка йўллаган маълумотида ўз кузатувларини куйидагича изохлаганди: «Саройттг энг нуфузли одами, хоннинг биринчи амилдори Исломхўжанинг уйини ўзига хос кичик сарой деса бўлади. Бу ерга саройнинг катта ва кичик аъёнлари хам «салом»га келиб турадилар. Улар йигилишиб энг мухим масалаларни мухокама киладилар» ( ЎЗМАРДАВАРХИВ, ф 2, оп 1, д 289, 17 бет).
Шу билан бирга, бўлим томонидан 1912 йил 12 августда Тошкентга йўлланган ахборотда бош вазирнинг уйидаги холат хакидаям маълумотлар берилганди: «Вазири Акбар Исломхўжа жадид мактабининг ва уйидаги фарзандларининг ўкитувчиси ёш татар муаллими Абдурашидовнинг фаолияти алохида эътиборга эга. Афсуски, Абдураишдов ўкитувчилик ишларидан таш-кари Хива хонлигини ички сиёсатида хам фаол катнашмокда. У Исломхўжанинг уйида яшаб, яширин кенгаш ўтказиб туради.
Бу кенгашга Абдураишдов маслахатчи ва рахбарлик кйлади. Исломхўжа иштирокидаги кенгаш мажлисларида асосан Хива-Россия муносабатлари мухокама килинади. Абдурашидов йигилган хиваликлар онгига Хива хонлигини Россия карамогидан озод килиш ва хонликни тараккий эттириш гояларини сингдирмокда».
Турган гапки, бундай чор мустамлакачилиги учун зарарли бўлган хуфия ахборотларни олгач, генерал губернаторлик Абдурашидовни вохадан йўкотиш чораларини кўради. Натижада, «Амударё бўлими 1913 йил ёзида Абдурашидов ва бошка жадидларни Хивадан ўз юртларига жўиатиб юборади» («Туркестанский курьер, 1913 йил 21 август). Абдурашидовни уйида саклаган бош вазир уни вохада олиб колишга интилмасин, чор маъмурлари бунга йўл кўймайдилар.
Сарой эса бу пайтда фитна уясига айланиб бўлган, Исломхўжага мухолиф саналган хар иккала гурухни Амударё бўлими кўллаб турганди. Колаверса, фитнакор Хусайнбекка подполковник, укаси Омонгалдига эса биринчи даражали Мукаддас Анна ордени бекорга берилмаганди. Огаини Матмуродовлар чор хукуматининг энг ишончли одамлари эдики, уларни шу боис такдирлашганди. Хатто, хар иккала гурухнинг 1911 йилда тортиб олинган молу-мулкининг кайтариб берилишидаям чор хукуматининг кўли бор эди. Амударё бўлими бошлиги полковник Колосовский уларга ёрдам бериб, кўллаб турганди.У 1914 йил 31 декабрда Туркистон генерал-губернаторига юборган ахборотида: «Бизнинг Хива хонлиги саройидаги фитналарга аралашувимиз ва хон саройида Матмуродовлар гурухини тиклашимиз бош вазир Исломхўжанинг катлига омил бўлган сабаблардандир», дея ёзганди.
Хатто, Исфандиёрхон полковник Колосовскийнинг Матвафо Бакколовни бош вазирликка тайинлаш хакидаги таклифига эътироз билдирганида, у «Матвафо сенга керак бўлмаса,

менга керак», деб махаллий хукмдорни - Хива хонини жеркиб ташлаганди. Кўриниб турибдики, хонни хам назарига илмайдиган полковник Колосовскийга Матвафо Бакколовдек фитнакор малайлар керак эди.
Хон саройида таржимонлик килган В.Н.Корнилов эса, «Матвафо Исломхўжа катлинингайбдоридир. Бу факат менинг эмас, балки хонликдаги инсонлар фикридир», дея ёзганди. Шу боис-
дан хам унинг Исломхўжага суикасд килинган пайтда Туркистон генерал-губернаторлигининг Петербург полиция департаменти вице-директорига юборган маълумотида, бош штабнинг Осиё бўлими бошлиги генерал Цейлнинг бош вазир катли бўйича ишни босди-босди килгани, бу иш учун 200 минг рубл пора олгани, Цейл бу пулдан 20 минг сўмини харбий министр Сухамлиновга бергани кайд килинган.
Николай II Исломхўжа ўлимидан хабардор этилган бўлсада, у суикасд тафсилотини суриштириб ўтирмади. Негаки, ким хам ўз этагини ўзи кўтарарди? Зеро, мустамлака ўлкаларда силликкина сиёсат юритиш учун доимо у ерда фитна ва игво чикариб туриш, ўз юрти равнакини ўйлайдиган ислохотчиларни йўк килиш синалган усуллардан эди. Шунинг учун чор хукумати, жандармерия, Амударё бўлимига бошлик бўлган Гулушановский, Ликошин, Колосовскийлар Хива хонлигидаги фитнакор гурухларни рагбатлантириб, уларни Исломхўжага карши гиж-гижлаб туришди. Хиванинг халкпарвар, маърифатпарвар бош вазири Исломхўжа ана шундай каттол сиёсат, фитна курбонига айланганди.
Бирок, шундай бўлса-да, Исломхўжа жахон халклари тараккиётидан бир неча аср ортда колган, баъзи сохаларда ўрта асрча мустабидлик хукм сураётган Хива хонлигида ўзгариш ясашга уринди ва дастлабки натижаларга эришдики, булар тарих сахифаларидан ёркин жой олди.

### Жиноят жазосиз колмас

Исломхўжадек ислохотчининг ўлимида айбдор бўлган, бу котилликни чор мустамлакачиларининг кўллаб кувватлаши билан амалга оширган хонликнинг фитнакор амалдорлари кўп вакт ўтмай ўз жазоларини олишди. Яъни, 1915 йил охирида Шихназарбой ва Ашур махрамлар ўзларига хаддан ташкари эрк бериб юборганларидан сўнг, уларни олдинлари кўллаб турган чор мустамлакачилари билан чикишолмай колишди. Натижада улар Хоразмдан Олмаотага сургун килиндилар. 1916 йилнинг февралида эса Хивани камал килиб кўлга киритган ёвмуд исёнкорлари ва халк кўзголончилари Исфандиёрдан Матвафо Бакколов ва сарой ходими Абдуллажонларни топширишни шарт килиб кўядилар. Кўзголончилардан енгилгани боис хон шартга кўниб ноилож амалдорларини уларга топширади. Кўзголончилар эса иккала амалдорга кўшиб Шихназарбойнинг яна бир кариндошини хам тутиб келтириб, ўчаласини бўгизлаб ўлдиришади.
1918 йилнинг октябрида эса Исфандиёрхон ёвмудлар томонидан бўгизлаб ташланади. Хуллас, такдир Исломхўжанинг ўлимида бевосита айбдор бўлганларни исёнкорлар кўли билан жазолади.

Умид Бекмухаммад